

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

“КЕЛИШИЛГАН”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазир И.У.Мажидов
« » 2020 йил



“ТАСДИКЛАЙМАН”
Ўзбекистон Миллий университети
ректори
А.Р.Марахимов
« » 2020 йил



**МАГИСТРАТУРАГА КИРИШДА МАХСУС ФАҢЛАРДАН СИНОВ
ДАСТУРЛАРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

(кўзи ожиз абитуриентлар учун)

- 5A140602 – География (ўрганиш объекти бўйича)
- 5A140603 – Амалий география (соҳалар бўйича)

Тузувчилар: ЎзМУ табиий география кафедраси мудири,
г.ф.н., доц.Миракмалов М.Т.
ЎзМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси
мудири, г.ф.д., проф. Тожиева З.Н.

Такризчилар: ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси мудири,
г.ф.н., доц. Алимқулов Н.
ЎзМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси
профессори, г.ф.д. Комилова Н.Қ.

Кириш

5140600-География бакалавриат таълим йўналиши илм-фан ва табиатшунослик соҳасидаги йўналиш бўлиб, Ер ҳақидаги билимлар билан алоқадор бўлган лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот, географик экспертиза, маъмурий бошқарув ва педагогик ишларни, жумладан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида; давлат ва маҳаллий бошқаруви органлари, ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотларида; табиатни муҳофаза қилиш ва экологик ҳамда геоэкологик муаммолар, вилоят ва туман табиатни муҳофаза қилиш бўлинмаларида, Республика, вилоят ва туман топонимика хизмати бўлинмаларида, географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш масалалари билан боғлиқ комплекс масалаларни ечишни қамраб олади.

5140600-География таълим йўналиши негизидаги 5A140602 – География (ўрганиш объекти бўйича), 5A140603 – Амалий география (соҳалар бўйича) магистратура мутахассисликларига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 14 та умумқасбий фанлар: “Умумий табиий география”, “Геоморфология, геология асослари билан”, “Ландшафтшунослик ва ландшафт планировкаси асослари” “Инсон географияси”, “Аҳоли географияси, демография асослари билан”, “Жаҳон географияси”, “Ўзбекистон географияси”, “Географик усуллар”, “Инсон ва табиат”, “География ўқитиш методикаси”, “Саноат географияси назарияси ва амалиёти”, “Топонимика ва географик терминшунослик”, “Сиёсий география ва геосиёсат”, “Шаҳарлар географияси ва урбанизация муаммолари” ҳамда 3 та ихтисослик фанлари: “Биогеография”, “Социал ва маданий география”, “Амалий география” бўйича тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

Мақсад ва вазифалари

Мазкур кириш синовларини ўтказиш орқали бакалаврларнинг географик фанлар бўйича билим, кўникма ва малакаларини аниқлашдан иборат.

Имтиҳон топширувчи бакалавриат даражасида назарий ва амалий тайёргарликка эга бўлиши, география фани ва унинг тармоқлари илмий йўналишларига тегишли ғоявий ҳамда методологик масалалардан хабардор

бўлиши зарур. Шу билан бирга, ўз билимларидан республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга доир илмий ва амалий вазифаларни тўғри ҳал қилишда фойдалана билиши зарур.

Ушбу дастур табиий ва иқтисодий география фанларидан университетнинг география факультетлари ўқув режаларида умумқасбий фанлар ҳисобга олиб тузилган. Дастур икки қисмдан иборат бўлиб, унда аввало табиий география ва иқтисодий-ижтимоий географиянинг назарий-методологик асослари ўз аксини топган.

Асосий қисм

I БЎЛИМ. ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ

Умумий табиий география

География фанининг ривожланишини асосий босқичлари. Илк географик билим куртакларининг пайдо бўлиши. Антик даврда географиянинг ривожланиши. География фанининг ўрта асрларда ривожланиши. Буюк географик кашфиётларнинг география фанининг ривожланишидаги аҳамияти. XIX асрда илмий географиянинг ривожланиши. География фанининг ҳозирги пайтда ривожланиши. Географик қобик, биосфера, географик муҳит таълимотларининг яратилиши. Ўзбекистонда табиий география фанининг ривожланиши.

Умумий табиий географиянинг тадқиқот усуллари. Коинот, Қуёш системаси ва Ер. Географик қобик. Географик қобикнинг таркибий қисмлари.

Географик қобикнинг вертикал тузилиши. Литосфера. Гидросфера ҳақида умумий тушунча. Унинг таркибий қисмлари. Қуруқликдаги сувлар. Атмосфера, унинг таркиби. Атмосфера қатламлари – тропосфера, стратосфера, мезосфера, термосфера (ионосфера), экзосфера, озон қатлами. Биосфера. Ҳаётнинг тарқалиш чегераси. Организмларнинг турлари ва уларнинг вазифаси. Географик қобикнинг горизонтал тузилиши. Географик қобикнинг ҳаракатлари ва уларнинг турлари. Географик қобикнинг ривожланиши. Жамият ва географик қобик.

Геоморфология, геология асослари билан

Геоморфология – рельеф тўғрисидаги фан. Ер юзаси рельефининг тузилиши, келиб чиқиши, ривожланиш қонуниятлари ва динамикаси.

Геология ва геоморфология фанларининг ўзаро боғлиқлиги, тармоқлари. Геология – Ер ҳақидаги фанлар тизими эканлиги. Структуравий таркиби. Умумий ва тарихий геология. Геологиянинг тармоқлари. Геология фанининг таркиб топиш тарихи.

Ернинг ички тузилиши ва Геосфералар. Рельеф тўғрисида умумий маълумот. Геохронология шкаласи ва Ернинг ёшини аниқлаш. Минераллар ва тоғ жинслари. Уларнинг физик таснифи. Эндоген жараёнлар. Тектоник ва неотектоник ҳаракатлар. Магматизм, метаморфизм ва зилзила. Уларнинг рельеф ҳосил бўлишдаги ўрни

Ер пўстининг ривожланиш қонуниятлари. Планетар рельеф шакллари. Экзоген жараёнлар. Нураш ва рельеф. Ёнбағирлар ва рельеф. Оқар

сувларнинг геологик иши. Флювиал рельеф шакллари. Карст жараёнлар ва карст рельефи. Суффозион жараёнлар ва рельеф шакллари. Гляциал жараёнлар ва музлоқ рельеф шакллари. Қирғоқлар рельефи. Денгиз ва океанларнинг геологик иши. Океан тубининг рельефи. Эол жараёнлар ва рельеф шакллари. Геология ва геоморфология фанларида қўлланиладиган тадқиқот услублари. Тарихий геология ва Ер тараққиётининг умумий хусусиятлари.

Ландшафтшунослик ва ландшафт планировкаси

Ландшафтшунослик ва ландшафт планировкаси асослари. Ландшафтшуносликнинг юзага келиши ва ривожланиши. Ландшафт ҳақида асосий тушунчалар. Ландшафтларнинг тузилиши ва хусусиятлари. Ландшафтларнинг функционал-динамик хусусиятлари. Ландшафтлардаги ўзаро алоқадорликлар ва таъсирлар.

Ландшафтларнинг ҳудудий табақаланиши ва уларнинг таснифланиши. Ландшафт ва инсон алоқадорлиги масалалари.

Амалий ландшафтшунослик. Ландшафтларни хўжаликнинг турли тармоқларида фойдаланиш нуқтаи назаридан баҳолаш. Баҳолашнинг асосий принциплари ва методлари.

Ландшафт планировкаси асослари. Маданий ландшафт – ландшафт планировкасининг методологик асоси. Ландшафт планировкаси йўналишлари. Ландшафт планировкасининг ҳудудий даражалари ва объектлари. Ландшафт планировкаси тизимида экологик скелет, уни яраташнинг принциплари ва мезонлари.

Жаҳон географияси

(Материклар ва океанлар табиий географияси)

Географик қобик ривожланишининг асосий хусусиятлари ва ландшафтларнинг умумий табақаланиши. Ерда куёш радиациясининг тақсимланиши. Иқлим минтақалари ва уларнинг ҳосил бўлиши. Қуруқликдаги табиат зоналари.

Океанлар табиий географияси. Регионал бирликлари: Тинч, Атлантика, Ҳинд ва Шимолий Муз океани. Океанларга умумий табиий географик таъриф.

Материклар табиий географияси. Евросиё. Евросиёнинг асосий хусусиятлари. Материкнинг шаклланиш тарихи. Рельефининг асосий шакллари. Фойдали қазилмалари. Иқлимни ҳосил қилувчи омиллар. Ички сувлари. Евросиёнинг тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Географик минтақалари ва табиат зоналари.

Шимолий Америка. Табиий географик хусусиятлари. Шаклланиш тарихи. Материкнинг таркиб топишидаги асосий босқичлар. Асосий рельеф шакллари. Иқлими. Иқлим минтақалари ва уларнинг таърифи. Ички сувлари. Тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси. Географик минтақалар ва табиат зоналари, уларнинг жойланишининг ўзига хос хусусиятлари.

Жанубий Америка. Географик жойланиши, қиёфаси, ўлчамлари ва табиатининг асосий хусусиятлари. Шаклланиш тарихи, рельефи ва фойдали қазилмалари. Иқлим минтақалари ва уларнинг таърифи. Ички сувлари. Тупроқ, ўсимлик қоплами ва ҳайвонот дунёсининг асосий хусусиятлари. Географик минтақалари ва зоналари. Анд тоғларидаги минтақалар. Йирик регионал табиий географик ўлкалари.

Африка. Материк географик ўрнининг асосий хусусиятлари. Шаклланиш тарихи, рельефи ва фойдали қазилмалари. Иқлими. Фаунистик областлари, ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятлари. Тупроқлари ва уларнинг ҳосил бўлиш жараёни. Асосий қўриқхоналари. Географик минтақалари ва табиат зоналари, уларнинг тавсифи. Йирик регионал табиий географик ўлкалари.

Австралия. Таркиб топиш тарихи, рельефи ва фойдали қазилмалари. Австралия платформасининг тузилиши ва уни рельефда акс этганлиги Ҳозирги вақтдаги рельеф ҳосил қилувчи омиллар. Рудали фойдали қазилмалар, олтин минтақаси, нефть-газ ва кўмир ҳавзалари. Иқлими ва ички сувлари. Иқлимини ҳосил қилувчи омиллар. Намлик ва ёғинни тақсимланиши. Иқлим минтақалари. Дарёлари. “Криклар”, шўр кўллар, ер ости сувлари (артезиан ҳавзалари). Географик минтақалари ва табиат зоналари. Регионал табиий географик ўлкалари.

Океания. Табиатнинг асосий хусусиятлари. Геологик тузилиш ва рельефи. Асосий рельеф шакллари. Фойдали қазилмалари. Иқлими ва ички сувлари. Тупроқ-ўсимлик қоплами ва ҳайвонот дунёси. Тупроқларнинг, ўсимликларнинг асосий турлари. Табиий географик ўлкалари: Меланезия, Микронезия, Полинезия, Янги Зеландия.

Антарктида. Табиатининг асосий қирралари, ўлчамлари. шаклланиш тарихи. Муз усти ва ости рельефи. Иқлимининг ўзига хос хусусиятлари. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.

Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон табиий географияси)

Худудий табиий географиянинг объекти ва предмети. Ўзбекистон табиатини географик ўрганиш тарихи босқичлари. Ўзбекистон табиатини шакллантирувчи омиллар. Тектоникаси ва геологик тарихи. Ўзбекистон орографияси ва рельефининг асосий хусусиятлари. Ўзбекистон иқлими. Ўзбекистоннинг ички сувлари. Тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси. Ўзбекистонда табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Ўзбекистонда ландшафтлари ва уларни хўжалик мақсадларида баҳолаш. Регионал қисм. Ўзбекистонни табиий-географик районлаштириш тажрибалари. Мавжуд районлаштириш схемаларининг таҳлили. Ўзбекистоннинг ўқув мақсадларига мослаштирилган табиий-географик районлаштириш схемаси. Ўзбекистоннинг текислик кичик провинцияси округларига (Устюрт, Орол, Қуйи Амударё, Қизилқум, Қуйи Зарафшон) табиий географик тавсиф. Тоғ олди ва тоғ кичик провинцияси округларига (Ўрта Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Мирзачўл, Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона) табиий географик тавсиф.

Географик усуллар (Табиий географик усуллар)

Табиий географик тадқиқотларнинг мазмуни. Географияда сифат ва миқдорли ёндашувлар. Географик илмий-тадқиқот ишларини лойиҳалаш. Тадқиқот лойиҳаси ва унинг аҳамияти.

Табиий географик тадқиқотларнинг методологияси. Тадқиқот принциплари: худудий яхлитлик, комплекслилик, генетик-тарихий бирлик, регионаллик, нисбий бир хиллик ва бошқа принциплар. Ёндошувлар: тизимли, комплекс географик, ландшафтли, ҳавзавий, экологик ёндашувлар.

Табиий географияда тадқиқот методлари. Табиий географияда тадқиқот методларининг ривожланиши. Анъанавий методлар (диалектик, қиёслаш, экспедиция, тасвирий-ёзма, картографик ва б.); XX асрнинг 30-50 йилларида табиий географияда қўлланилган методлар (стационар, комплекс, палеогеографик, геофизик, геокимёвий, аэрометодлар ва ҳ.к.); XX асрнинг 60-80 йилларида қўлланилган методлар (космик, статистик, моделлаштириш, районлаштириш, типологик, лаборатория-аналитик, модда-энергия баланси ва б.). ГИС технологияларининг аҳамияти.

Табиий географик тадқиқотларнинг асосий босқичлари. Ғоянинг таркиб топиш босқичи. Тайёргарлик босқичи. Дала босқичи Камерал босқич. Ҳисобот босқичи. Комплекс табиий географик тадқиқотлар. Геотизмларни таҳлил қилиш. Географик маълумотларни қайта ишлаш ва тасвирлаш. Тадқиқот ҳисоботини тайёрлаш.

Инсон ва табиат

“Инсон ва табиат” фани, унинг тадқиқот объекти ва предмети. Инсоннинг табиатга таъсири ҳақида умумий тушунча. Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари. Инсоннинг табиатга таъсири турлари. Табиатдан фойдаланишда ҳисобга олиниши зарур бўлган қонуниятлар. Табиат тараққиётининг асосий қонунлари. Зоналлик ва худудийлик қонуниятлари. Географик қобикдаги жараёнларнинг даврийлик қонунияти. Инсон хўжалик фаолиятининг табиатга таъсирининг географик оқибатлари. Табиий географик жараёнлар ва уларни олдини олиш.

Инсон, аҳоли ва ресурслардан фойдаланиш. Инсон, ишлаб чиқариш ва табиат. Табиат ва табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш. Келажак энергияси, унинг турлари ва ҳозирги ҳолати. Инсон томонидан табиатни бошқариш ва табиий муҳитни қонуний ҳимоя қилиш. Инсон яшаши учун табиатдаги ресурслар. Давлат экологик экспертизаси. Экологик мониторинг. Табиатдан унумли фойдаланиш тадбирларига маблағлар ажратиш. Фан-техника жараёни ва табиат. Инсон томонидан табиий ресурслардан (сув, ер, атмосфера, ўрмон) оқилона фойдаланиш. Табиатдан фойдаланишда халқаро ҳамкорлик. Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланиш географияси ва уни муҳофаза қилиш муаммолари.

География ўқитиш методикаси

География ўқитиш методикаси фани, предмети, тадқиқот объекти. Фаннинг мақсади ва вазифалари, қисқача ривожланиш тарихи. География таълими методикасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Ўрта махсус, касб-ҳунар, умумтаълим тизими географиясининг мазмуни, таркиби.

Ўқитиш методлари. География таълимини уюштиришнинг шакллари. География таълими жараён қисмлари. Тарбия турлари. Таълимда тадқиқот усуллари. География майдончаси ва хонаси. Табиийёт ва география таълими воситалари. Табиийёт ва география ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш. Ўқувчини мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш услуб ва воситалари. Ўқитиш жараёнига инновацион педагогик технологияларни қўллаш.

Топонимика ва географик терминшунослик

Топонимика ва географик терминшунослик фани, тадқиқот объекти ва предмети. Фаннинг мақсади ва вазифалари, қисқача ривожланиш тарихи.

Топонимика ва географик терминшуносликнинг боғлиқлиги. Ривожланиш тарихи. Ўзбекистонда топонимиканинг ҳозирги аҳволи, топонимик тадқиқотлар. Топонимларни географик жиҳатдан тадқиқ этилиши. Топонимикага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар. “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари. Географик номларнинг турлари. Топонимик синф (класс)лар, уларнинг тавсифи. Географик номларни турларга ажратиш мезонлари.

Топонимика ва ландшафт. Географик номларнинг ёзилиши ва талаффузи. Ўзбекистон ва Тошкент топонимлари маъноси. Топонимик тадқиқотлар. Географик терминлар. География таълими ва топонимика. География билан топонимика ҳамда атамашуносликнинг боғлиқлиги. Географияда жой номлари маъносини, терминларни билишнинг аҳамияти. География дарсларида топонимик маълумотлардан фойдаланиш.

Биогеография

Биогеографиянинг предмети, тадқиқот объекти. Биогеография, унинг турлари, фаннинг аҳамияти.

Биогеографиянинг ривожланиш босқичлари. Организмларнинг тарқалиш омиллари. Экосистема, биом ва биогеоценоз. Экосистеманинг асосий компонентлари. Тирик организмлар экосистеманинг асосий қисми: автотрофлар, гетеротрофлар, продуцентлар, консументлар, редуцентлар.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаёт формалари. Арел ҳақида таълимот асослари. Биогеографияда ареал тушунчаси, тур ареали - биогеографик тузилишнинг асоси, ареалларни карталаштириш услублари (нуқталар орқали карталаштириш услуби, контур услуби, тўрсимон услуб), ареал кўлами, шакли ва уларни белгиловчи асосий омиллар.

Ер юзасининг флористик ва фаунистик регионлари. Маданий ўсимлик ва тирик организмлар олами географияси. Биологик хилма-хиллик ва уни муҳофаза қилиш. Генетик, турлар ва экосистема хилма хиллиги.

Амалий география

Амалий географиянинг методологик асослари. Амалий географиянинг тадқиқот йўналишлари. Муҳандислик географик тадқиқотлар. Табиий

хавфли жараёнларни тадқиқ этишда амалий география. Тиббий географик тадқиқотлар. Экологик муаммоларни ҳал этиш ва олдини олишда амалий география. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда амалий география. Амалий географияда прогнозлаштириш. Саноат корхоналари, аҳоли пунктларини иқтисодий географик жиҳатдан ўрганиш. Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва кластерлар. Табиий шароит ва ресурсларни ҳалқ хўжалигининг турли тармоқлари нуктаи назаридан баҳолаш. Худудий дастурлаш ва режалаштириш. Шаҳарсозлик асослари. Қишлоқ жойлар географияси, қишлоқ хўжалигида агроиклимий ресурсларни баҳолаш. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва геоэкологик муаммолар. Географик экспертиза. Иқтисодий районлаштириш ва минтақавий сиёсат. Иқтисодий географик прогноз. Социал-иқтисодий картография.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abdunazarov O'.Q.va boshq. Umumiy tabiiy geografiya. –Т.: “Vneshinvestprom”, 2019.
2. Avezov M., Egamov B. Okeanlar tabiiy geografiyasi. –Т.: “Vneshinvestprom”, 2020
3. G'ulomov P.N. Inson va tabiat. – Т.: 2009.
4. Vahobov H va boshq. Umumiy Yer bilimi. – Т.: Bilim, 2005.
5. Zokirov Sh. S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. –Т.: “Turon zamin ziyo”, 2016.
6. Zokirov Sh.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. Т.: Dizayn-Press. 2013.
7. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Физико-географическое районирование Узбекистана. Науч.тр. ТашГУ, вып.231, - Т.: 1964.
8. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избр. труды. –М., 1980.
9. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
10. Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси. – Т.:Ўқитувчи, 2002.
11. Боков В.А., Селиверстов Ю.П., Черванов И.Г. Общее землеведение. СПб. 1999.
12. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. –М., «Мысль», 1979.
13. Геренчук К.И. и др. Общее землеведение. –М.: 2001.
14. Ғуломов П.Н. География ва табиатдан фойдаланиш.–Т.: Ўқитувчи, 1985.
15. Жўлиев А.Ҳ., Соатов А., Юсупов Р. Геология асослари. – Т.: ЎЗМУ, 2001.-148-б.
16. Звонкова Т.В. Географическое прогнозирование. –М.: Высшая школа, 1987.
17. Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик.– Т.:Университет, 1998.
18. Исаченко А.Г. Оптимизация природной среды. –М.: Мысль, 1980.
19. Исаченко А.Г. Прикладное ландшафтоведение. ч.1., -Л.: 1976.

20. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. Москва, 1991.
21. Калесник С.В. Умумий Ер билими қисқа курси. Т., 1966, 300 б.
22. Когай Н.А. Общее географическое районирование Туранской части Средней Азии. –Т.: Фан, 1969.
23. Мильков Ф.Н. Общее землеведение. –М.: Высшая школа, 1990.
24. Рычагов Г.И. Общая геоморфология (учебник).3-изд. –М.: Наука, 2006.
25. Савцова Т.М. Общее землеведение. М., «Академия», 2003.
26. Соатов А., Юсупов Р. Геоморфология асослари.-Т.: Университет, 2003.-80-б.
27. Чиникулов Х., Жўлиев А.Ҳ. Умумий геология.-Т.: 2011. 396-б.

II ҚИСМ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ

Инсон географияси

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни. Инсон географиясининг фанлар тизимида тутган ўрни, тадқиқот объекти ва предмети. Инсон географиясининг шаклланиши. Ресурслар ва ландшафтлар. Фаннинг тадқиқот усуллари. Тарихий география. Аҳоли географияси. Маданий макон (маданият географияси). Урбанизация. Иқтисодий география. Иқтисодий география инсон географиясининг муҳим бир тармоғи эканлиги. Иқтисодий географиянинг тузилиши. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт географиялари инсон географиясининг асосий тармоқлари сифатида. Хўжалик тармоқлари ҳақида тушунча, уларнинг классификацияси.

Социал география. Тиббиёт географияси. Сиёсий география. Географик тузилмалар. Географик жараёнлар. Географик меҳнат тақсимоти ва иқтисодий районларнинг шаклланиши. Ҳалқаро ва районлараро меҳнат тақсимоти. Иқтисодий географик ўрин. Аҳоли миграцияси жараёнлари ва унинг сабаблари. Ҳозирги замон ҳалқаро аҳоли миграциясининг географик манзараси. Геосиёсий жараёнлар. Инсон географияси ва экология. Иқлим ва унинг ўзгаришлари.

Аҳоли географияси, демография асослари билан

Аҳоли географияси демография асослари билан фанининг шаклланиш босқичлари ва ривожланиш омиллари. Аҳоли географияси демография асослари билан фанининг муаммолари. Аҳоли географияси демография асослари билан фани хорижда ва Ўзбекистонда тадқиқ этиш. Демографик маълумотлар манбалари ҳақида умумий тавсифлар. Аҳолини ҳисобга олиш, турлари, аҳоли рўйхати, ривожланган, ривожланаётган ҳудудларда аҳоли сонини рўйхатга олиш. Аҳолининг ёш - жинс таркиби, меҳнат ресурслари ва демографик сиёсат. Аҳоли жинс таркиби шаклланишидаги омиллар. Дунё мамлакатлари аҳолиси жинс таркибидаги географик фарқлар. Аҳолининг ёш таркиби, унинг шаклланиш омиллари ва ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши. Аҳолининг ёш-жинсий таркибининг демографик ва ҳудудий хусусиятлари. “Бандлик”, “меҳнат ресурслари”, “иқтисодий фаол аҳоли”

тушунчалари ва уларнинг таркиби. Меҳнатда банд аҳоли. Меҳнат ресурслари баланси. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг худудий хусусиятлари. Аҳоли бандлиги муаммолари. Меҳнат бозори, унинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш хусусиятлари. Демографик сиёсат. Демографик сиёсат ўтказиш методлари. Дунё минтақалари аҳолиси табиий ҳаракати ва уларнинг худудий хусусиятлари. Аҳоли ўлимнинг тарихий босқичлари. Ривожланаётган мамлакатларда аҳоли ўлимнинг пасайиши. Ривожланган давлатларда аҳоли ўлимидаги жинслар фарқи. Туғилиш жараёни, даражаси, таъсир этувчи омиллари ва сабаблари. Дунёда туғилиш самарадорлиги ва динамикаси. Аҳоли миграцияси, унинг турлари ва йўналишлари. Аҳолининг ирқий ва этник таркиби. Дунё аҳолисининг диний таркиби. Ўзбекистонда аҳоли географияси.

Жаҳон географияси (Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси)

Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси курсининг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари. Фанлар тизимида тутган ўрни ва алоқалари. Дунёнинг ҳозирги замон сиёсий харитаси, жаҳон мамлакатларининг социал-иқтисодий гуруҳлари. Жаҳон табиий ресурслари географияси. Экологик муаммолар. Жаҳон аҳолиси. Жаҳон аҳолиси сони ва ўсиши. Жаҳон урбанизацияси. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унга таъсир этувчи омиллар. Халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланиши. Худудий меҳнат тақсимоти. Халқаро ва районлараро меҳнат тақсимоти. Адам Смитнинг мутлақ афзаллик назарияси. Давид Рикардонинг нисбий (қиёсий) фзаллик қонуни. Халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалигининг шаклланиши. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унинг омиллари. Жаҳон хўжалиги. Жаҳон хўжалиги ва унинг тармоқлар таркиби. Саноатни худудий ташкил этиш омиллари. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. Жаҳон транспорти. Транспортнинг турлари. Халқаро иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнлари. Халқаро иқтисодий интеграция. Жаҳоннинг регионал тафсифи. Европа. Европа сиёсий харитаси, унинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Германия. Буюк Британия. Франция. Италия. МДҲ ва Шарқий Европа давлатлари. Осиё мамлакатлари. Шарқий Осиёнинг ривожланган давлатлари. Жанубий-шарқий Осиё давлатлари. Жанубий Осиё. Ҳиндистон. Шимолий Америка давлатлари. АҚШ. Канада. Лотин Америкаси давлатлари. Африка давлатлари. Шимолий Африка давлатлари. Тропик Африка давлатлари. Жанубий Африка давлатлари. Австралия ва Океания давлатлари.

Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси)

Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий харитасидаги ўрни, маъмурий-худудий бўлиниши. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва минерал хомашё ресурслари, уларнинг хўжалик аҳамияти. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари, меҳнат бозори. Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг умумий тавсифи.

Ўзбекистон саноати. Ёқилғи-энергетика мажмуаси. Metallургия саноати. Кимё саноати. Машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати. Қурилиш материаллари, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати. Енгил ва озиқ-овқат саноати. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Дехқончилик географияси. Чорвачилик географияси. Ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши. Ўзбекистон транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалари географияси. Регионал қисм. Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг худудий таркиби ва иқтисодий районлари. Тошкент иқтисодий райони. Фарғона иқтисодий райони. Мирзачўл иқтисодий райони. Зарафшон иқтисодий райони. Жанубий иқтисодий район. Қуйи Амударё иқтисодий райони.

Географик усуллар (Иқтисодий ва ижтимоий географик усуллар)

Иқтисодий ва социал географияда илмий тадқиқотларнинг назарий услубий асослари. Иқтисодий ва социал географияда илмий тадқиқотларни ташкил қилиш. Аҳоли географик тадқиқотларнинг объекти сифатида. Меҳнат ресурсларини географик ўрганиш. Аҳоли пункти(шаҳар)ни географик жихатдан ўрганиш. Аҳоли пунктларини географик ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. Шаҳар тушунчасининг моҳияти ва уни иқтисодий-социал географиянинг мураккаб тадқиқот объекти эканлиги. Саноат тармоқларини географик ўрганиш. Саноат тармоқларини худудий тадқиқ этишнинг мақсади ва вазифалари. Саноат тармоқлари таснифи. Қишлоқ хўжалигини географик ўрганиш. Қишлоқ хўжалигини географик ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигини тармоқлар таркиби. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини географик ўрганиш. Хизмат кўрсатиш соҳаларини географик ўрганишнинг хусусиятлари, унинг замонавий ҳолати. Социал географияга оид тадқиқотлар. Социал географиянинг география фанлари тизимида тутган ўрни. Уни тор ва кенг маънода тушуниш. Ижтимоий географик тадқиқотларни ташкил этиш. Геосиёсат ва сиёсий географияда тадқиқотларни ташкил этиш.

Саноат географияси назарияси ва амалиёти

“Худудий мажмуа”, “Худудий комплекс”, “Худудий тизим” тушунчалари. Иқтисодиёт тармоқ (сектор)ларининг тузилиши ва динамикаси. Иқтисодиётнинг бирламчи сектори. Иқтисодиётнинг иккиламчи сектори. Иқтисодиётнинг учламчи сектори. Иқтисодиётнинг тўртламчи сектори. Саноатнинг тармоқлар таркиби. Қишлоқ хўжалигининг тармоқлар тузилиши.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва худудий ташкил қилиш. Худудий меҳнат тақсимооти ва ишлаб чиқаришни жойлаштириш омиллари. Саноат ишлаб чиқаришини ижтимоий ташкил этиш шакллари. Саноат ишлаб чиқаришини худудий ташкил қилиш ва районлаштириш. Хўжалик тизимларининг тармоқлар таркиби. Оғир саноат тармоқлари. Юқори технологик тармоқлар. Худудий мажмуалар, энергия ишлаб чиқариш цикллари ва кластерлар. Хом-ашёга йўналтирилган тармоқлар. Глобал агротадбиркорликнинг ўзгаришлари. Агросаноат мажмуаси. Саноатни

жойлаштиришнинг статик моделлари. Саноатни жойлаштиришнинг динамик назариялари. Кристаллларнинг жойлаштириш схемаси ва транспортнинг иқтисодиётда тутган ўрни.

Сиёсий география ва геосиёсат

Сиёсий география ва геосиёсатнинг фанлар тизимида тутган ўрни, тадқиқот объекти ва предмети. Сиёсий география ва геосиёсатнинг илк тарихий куртаклари. Сиёсий география ва геосиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги ва тафовутлари. Сиёсий география ва геосиёсатнинг асосий тушунча ва категориялари. Цивилизациялар концепцияси ва сиёсий география. Дунё сиёсий харитаси ва унинг шаклланиши. Дунё минтақалари сиёсий харитаси. Классик геосиёсий концепциялар. Замонавий геосиёсий концепциялар. Глобализация ва минтақавий иқтисодий интеграция. Ўзбекистоннинг геосиёсий салоҳияти ва имкониятлари. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари. Дунё сиёсий харитасида Ўзбекистон Республикасининг тутган ўрни. Мамлакатнинг табиий-ресурс, демографик, иқтисодий салоҳияти ва унинг геосиёсий аҳамияти. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тутган ўрни ва роли. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё, МДХ ва жаҳон мамлакатлари билан ўзаро муносабатлари ва уларнинг геосиёсий жиҳатлари.

Президент асарларида сиёсий-географик (геосиёсий) масалаларнинг ёритилиши.

Шаҳарлар географияси ва урбанизация муаммолари

Шаҳарлар географиясининг объекти ва предмети, уни ўрганишдаги асосий вазифа ва усуллар. Шаҳарларнинг вужудга келиш тарихи. Шаҳарлар ҳосил қилувчи асосий омиллар. Шаҳарлар классификацияси. Шаҳарларнинг функциялари. Шаҳарларнинг функционал типларга ажратиш усуллари, йирик кўп функцияли шаҳарлар, кенг тармоқли саноат марказлари, саноат, транспорт, рекреация, илм-фан ва бошқа соҳаларга ихтисослашган шаҳарлар. Шаҳарларнинг ҳудудий тизимлари. Шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг ҳудудий таркиби. Ҳудудни функционал зоналарга, секторларга ажратиш. Шаҳар аҳолисини ҳудудий ташкил этиш. Шаҳарда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини жойлаштириш. "Оптимал шаҳар" тушунчаси ва мезонлари; йирик шаҳар ва агломерацияларни ҳудудий кенгайтиришни назорат қилиш, тартибга солиш ва башорат қилиш. Урбанизация ва унинг минтақавий хусусиятлари. Район планировкаси ва шаҳарсозлик масалалари. Шаҳарлар бош режаси ва шаҳарлар ривожланишининг башорати. Ўзбекистон шаҳарлари географияси. Тошкент иқтисодий райони шаҳарлари. Фарғона райони шаҳарлари. Мирзачўл минтақаси шаҳарлари. Зарафшон минтақаси шаҳарлари. Жанубий иқтисодий район шаҳарлари. Қуйи Амударё район шаҳарлари.

Социал ва маданий география

Социал ва маданий географиянинг объекти, предмети ва тузилиши. Аҳолининг социал ривожланиши ва тузилиши. Этногеография ва маданият. Лингвистик география. Дин географияси. Истеъмол географияси. Тиббиёт

географиясининг тузилиши. Саломатлик географияси. Таълим географияси. Фан географияси. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси. Жиноятчилик географияси. Макон ва вақт географияси. Хулқ-атвор географияси. Турмуш тарзи географияси.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Анохин А.А., Житин Д.В. География населения с основами демографии: Учебник. – М.: Юрайт., 2018. – 279 с.
2. Abdalova Z.T., Tojiyeva Z.N. Iqtisodiy geografiya. O‘quv qo‘llanma. – T.: «IQTISOD-MOLIYA», - 2013. 212 bet.
3. Tojiyeva Z. Aholi geografiyasi. Darslik. - Toshkent.: “Nodirabegim”, 2019.- 252 b.
4. Tashtayeva S.K, Egamberdiyeva M.M., Komilova N.Q., Egamberdiyeva U.T. Geografiya.-T.:Universitet.-2017.
5. Komilova N.Q., Jumaxonov Sh., Rajabov F. Inson geografiyasi. O‘quv qo‘llanma. T.: “Universitet”, 2018.
6. Асанов Г.Р. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. –Т., 1990.
7. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избр. труды. –М., 1980.
8. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С. Аҳоли географияси ва демография асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Тафаккур, 2011. – 159 б.
9. Джонсон Р.Дж. География и географы. –Л., 1989.
10. Жекулин В.С. Введение в географию. - Л., 1989.
11. Колосовский Н.Н. Избранные труды.-.-Смоленск, 2006.
12. Ломакин В.К. Мировая экономика: Учебник для вузов.-2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. - 735 с.
13. Максаковский В.П. Географическая картина мира. Кн. I, II: Общая характеристика мира.- М.: Дрофа, 2008, - 495 с.
14. Саушкин Ю.Г. Избранные труды. - Смоленск, 2001.
15. Солиев А., Таштаева С., Эгамбердиева М.. Шаҳарлар географияси. Ўқув қўлланма.-Т., 2019.
16. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари.-Т., 1999.
17. Солиев А., Назаров М., Курбонов Ш. Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. - Т.:Мумтоз сўз, 2010.
18. Солиев А., Махамадалиев Р., ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт.- Т.Университет, 2013.
19. Солиев А.С. Иқтисодий география: назария, методлар ва амалиёт. - Т., 2013.
20. Солиев А.С. Тожиева З.Н. Иқтисодий ва социал география асослари.- Т., 2000 Маърузалар матни.
21. Солиев А.С., Махамадалиев Р. Иқтисодий ва ижтимоий география асослари. – Т. 2005 .
22. Солиев А. Ўзбекистон географияси // Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси.-Т.:Университет, 2014.

23. Экономическая и социальная география. Основы науки. – М.: Владос, 2003.

24. Янчук С.Л. Экономическая и социальная география. Учебное пособие. – Т.: Ijod-Press, 2019.

5A140602 – География (ўрганиш объекти бўйича) ва 5A140603 – Амалий география (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича мутахассислик фанларидан кириш синовлари учун баҳолаш мезонлари

Магистратура мутахассислиги бўйича кириш синови дастури 5140600-“География” йўналиши ўқув режасига киритилган география фани камровидаги мавзуларга оид намунавий дастурларни ўз ичига олади.

Дастурда асосий эътибор талабанинг мавзуни тўла қонли ёритишига, илмий далиллардан фойдаланишга, мантиқий изчиллик ва таҳлилий материаллар билан жавоб бериши назарда тутилади.

Талаба мутахассислик бўйича кириш синовларини торширишда 5 та назарий саволга жавоб бериши, илмий-амалий асосланган хулосаларини келтириши лозим.

Уларнинг ҳар бирига 20 баллдан жами 100 балл қўйилади.

1- назарий савол: 20 балл

2- назарий савол: 20 балл

3- назарий савол: 20 балл

4- назарий савол: 20 балл

5- назарий савол: 20 балл

Жами: 100 балл

Баҳолаш мезони

Мутахассислик фанлари бўйича ҳар бир савол 20 баллик системада баҳоланади:

18-20	Аъло	1) Имтиҳон торширувчи мавзунинг асл моҳиятини, назарий жиҳатларини асосласа; мавзуга оид тушунчалар таснифини аниқ келтирса, илмий-	
-------	------	---	--

		назарий асосласа; 2) мавзу бўйича мушоҳада юритиб, ижодий фикрласа ва ўз шахсий мулоҳазаларига эга бўлса; 3) берилган саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб бера олса; хронологик кетма-кетликда жавоб берилса 4) мавзуга доир маълумотларни тарихий нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда асосли хулосалар келтирса; 5) географик мавзу таҳлили давомида асосий муаммо ажратиб олиниб, мавзуни манбалар асосида тадқиқ этиб хулосалар чиқарилса;	3,6-4 балл 3,6-4 балл 3,6-4 балл 3,6-4 балл 3,6-4 балл
14- 17	Яхши	1) мавзу бўйича мушоҳада юрита олса; мавзуни моҳиятини ёритиб берса; 2) билим ва тасаввурларни баён қилса; таянч тушунчаларга тўғри ва аниқ таърифлар келтирса; 3) шахсий фикр ва мулоҳазаларини баён қилмаса; 4) мавзуга доир маълумотларни билиши 5) географик мавзулар баёнида хронологик кетма-кетлик ва хулосалар кўрсатилса;	2,8-3,5 балл 2,8-3,5 балл 2,8-3,5 балл 2,8-3,5 балл 2,8-3,5 балл
11- 13	Қониқарли	1) мавзу бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлса; мавзу моҳиятини очиқ бера олса; 2) саволларга жавоб беришда терминларнинг маъноларини тўғри ишлатса; 3) берилган саволларга қисман жавоб берса; назарий билимларни амалий жиҳатдан ёрита олмаса; 4) шахсий фикр ва мулоҳазаларини баён қилмаса; 5) мавзуга географик нуктаи назаридан ёндошмаса;	2,1-2,7 балл 2,1-2,7 балл 2,1-2,7 балл 2,1-2,7 балл 2,1-2,7 балл
0-10	Қониқар сиз	1) мавзу бўйича тасаввурга, билим ва кўникмаларга эга бўлмаса; 2) мавзу моҳиятини яхши тушунмаса;	0-2 балл 0-2 балл

		3)назарий билимларни амалда қўллаш бўйича фикр ва мулоҳазаларини баён қила олмаса;	0-2 балл
		4)саволларга жавоб беришда терминларнинг луғавий маъноларини нотўғри ишлатса; шахсий фикр ва мулоҳазаларини баён қилмаса;	0-2 балл
		5)маълумотларда чалкашлик мавжуд бўлса;	0-2 балл

Агар абитуриентнинг назарий саволларга берган жавобларидан тўплаган баллари 86-100 балл бўлса, унинг баҳоси аъло ҳисобланади.

Агар абитуриентнинг тўплаган баллари 71-85 балл бўлса, унинг баҳоси яхши ҳисобланади.

Агар абитуриентнинг тўплаган баллари 56-70 балл бўлса, унинг баҳоси қониқарли ҳисобланади.

Агар абитуриентнинг тўплаган баллари 0-55 балл бўлса, унинг баҳоси қониқарсиз ҳисобланади.